**Ушбу сонда:**
2 ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР
3 *Қадрият* БИЗ КИММИЗ, ТОМИРИМИЗ ҚАЕРДА?
4 АССАЛОМ, БОЛАЛАР ЁЗИ!



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 11 июн, сешанба №93 (1310)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*Ўзбекистон ШҲТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларини... қўллаб-қувватлайди.*

# ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 6-7 июн кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган саммитида иштирок этди

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ўтган йилнинг июн ойида асос солинган эди. Ўшангача «Шанхай бешлиги» деб аталиб келган бу тузилма Ўзбекистон қўшилиши билан ўз фаолияти қамровини кенгайтирди.

Санкт-Петербург саммитида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусига мўлжалланган режалар муҳокама этилди. Табиийки, бу саммитнинг асосий натижаси ташкилотнинг Хартияси қабул қилинганидир. У халқаро муносабатлар тизимида пайдо бўлган янги ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди. Хартия имзоланиши билан ШҲТ доирасидаги ташкилий-ҳуқуқий ишлар ниҳоясига етказилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузишдан кўзланган асосий мақсад қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, уларнинг хавфсизлик соҳасида, иқтисодий ва ижтимоий жабҳалардаги ҳамкорлиги равнақ топиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва янги имкониятлар очишдан иборат эди. Бугунги кунда ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларини хавфсизлик ва иқтисодий масалалар ташкил этмоқда. Зотан, бу икки омил бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Хавфсизлик масаласини оладиган бўлсак, ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият бу борада янгича ёндашувга эҳтиёж сезаётганини илғаш қийин эмас. Бу ёндашув ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига таяниши керак. ШҲТ ана шундай ёндашув, хавфсизликнинг янги концепциясини юзага келтирди, десак, янглишмаймиз. Ўтган йили 15 июн куни имзоланган Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси қаторига Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги битим қўшилди.

ШҲТ тузилганига энди бир йил бўлди. Лекин бу вақт давомида дунё кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Хавфсизликни таъминлаш учун барча давлатлар ҳамжиҳат ҳаракат қилиши лозимлиги бутун дунёда эътироф этилди. Лекин бу ҳамкорлик фақат ҳарбийлашган соҳалар бўйича қарор топтирилса, кутилган натижага эришиш қийин. Дунё мамлакатлари кенг кўламли ҳамкорликни вужудга келтириши керак. Қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчилик, айирмачилик каби очиқ иллатлар қаторида, қашшоқлик, ишсизлик, саводсизлик, ирқий, этник ва диний камситишлар сингари баъзида кўзга яққол ташланмайдиган муаммоларга қарши ҳам курашиш лозим. Зеро, хавфсизликка таҳдид айни шундай муаммолар негизида пайдо бўлади. Ишсиз, қашшоқ, дунёқараши ва тафаккур доираси тор бўлган одамларгина ўзгаларнинг макрига осон илинади. Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, террор ва зўравонликнинг ижтимоий асосларини бартараф қилмоқ лозим.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигини мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга келишиб олди. Саммит қатнашчилари террор ва зўравонликнинг олдини олиш учун қинғир йўллар билан топилган пулларнинг қонунийлаштирилишига қарши курашиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов хавфсизлик масаласига тўхталар экан, бу борада Афғонистондаги вазият муҳим ўрин тутишини таъкидлади. У ердаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етган бўлса-да, ҳали вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш қийин. Мамлакатда кўп миқдорда қурол-яроғ тўпланиб қолган. У яна бошқа одамлар қўлига тушмаслиги учун ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўнглаш лозим. Бунинг учун кенг кўламли хорижий ёрдам керак бўлади. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, одамларни иш билан таъминлаш ва шу орқали тинч ҳаётга қайтариш учун ҳали анча вақт ва кўп меҳнат талаб қилинади. Марказий Осиёнинг хавфсизлиги бевосита Афғонистондаги вазиятга боғлиқ бўлгани сабабли, ШҲТ аъзолари бу мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий тикланиш жараёнларига кўрсатилаётган ёрдамни янада кўпайтириш борасида бир-бири билан ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олди.

Ислом Каримов ШҲТ фаолиятида аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама рағбатлантириш асосий вазифалардан бири бўлиши лозимлигини таъкидлади. Савдо ривожланиши ва сармоя фаол ҳаракатда бўлиши учун қулай шарт-шароит яратиш, кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш борасидаги мулоқотларни кўпайтириш зарурлигини қайд этди. Саммит қатнашчилари транспорт коммуникациялари ва энергетика иншоотларини барпо этиш, сувдан фойдаланиш, энергия захираларини қазиб олиш ва ташишга оид масалаларни муҳокама қилар экан, ушбу соҳалар бўйича истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда белгилаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.



Учрашувлар давомида қайд этилганидек, хавфсизлик ва савдо-иқтисодий масалалардаги ҳамкорлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хавфсизлик борасидаги алоқалар иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантирса, иқтисодий ҳамкорлик хавфсизлик борасидаги алоқаларни рағбатлантиради.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини савдо-иқтисодий алоқалар ташкил этади. Товарлар, хизматлар ҳамда сармоя оқими фаол бўлган мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади. Бу эса, муайян минтақада барқарор хавфсизлик таъминланишиға олиб келади. Иккинчи томондан, хавфсизлик борасида яқин ҳамкорлик қилувчи мамлакатлар бир-бирининг ҳудудидаги вазиятни яхши билади ва иқтисодий соҳада ҳам, аввало, бир-бири билан шериклик қилишни афзал топади. Бинобарин, бугун ШҲТ минтақасини, стратегик нуқтаи назардан, улкан хавфсизлик зонаси ва иқтисодий интеграция ривожи учун катта имкониятлар мавжуд бўлган макон, деб аташ мумкин.

Яна бир муҳим жиҳатни қайд этиб ўтиш даркор. Санкт-Петербург саммитида давлат раҳбарларининг Декларациясига ҳам имзо чекилди. Унда ШҲТ ҳарбий блок ёки ёпиқ алянс эмаслиги, бошқа мамлакат ё давлатлар гуруҳига қарши қўйилмагани алоҳида банд билан қайд этилди. ШҲТ бошқа ташкилотлар ва мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос ҳолда, кенг кўламли ҳамкорлик қилиши, янги аъзолар ҳисобига сафини кенгайтириши мумкин. Яъни, у халқаро муносабатлар тизимида демократия, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган ҳолда иш юритади. Шу боис ҳозирданоқ айрим давлатлар ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини маъқул топиб, унга қўшилиш истагини билдирмоқда.


***(Давоми 2-бетда).***


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли Владимир Владимирович,

Муҳтарам давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари,

Аввало, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити иштирокчиларини қутлаб, ушбу анжуманда иштирок этаётган барча давлат раҳбарларига ўзимнинг самимий эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Владимир Владимирович Путинга меҳмондўстлиги, самимияти ҳамда Россия ва Европа маданияти тарихида ўзига хос ўринга эга ажойиб Санкт-Петербург шаҳрида ўтаётган бу галги саммит юқори даражада ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Шанхайда мазкур ташкилотимиз таъсис этилганидан буён ўтган бир йил мобайнида дунё ҳамжамияти ўз тараққиётининг фавқулодда мураккаб ва масъулиятли даврини бошдан кечирди. Бу давр фундаментал муаммолар ва халқаро хавфсизликка таҳдид, биринчи галда, сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликка энг кўп даражада хавф солаётган халқаро террорчилик таҳдидига тўқнаш келаётган сифат жиҳатдан янги дунё тартиботи билан тавсифланади.

Яқин ўтмишимиз воқеалари ва далиллари барчамиз эътиборга олишимиз лозим бўлган яна бир аччиқ ҳақиқатни намоён этди: нечоғлик мукаммал қурол ёки қудратли ва замонавий ядро-ракета воситаларига эга бўлмасин, дунёнинг ҳеч бир мамлакати бугунги кунда ўзини ушбу даҳшатли таҳдиддан холи деб ҳисоблай олмайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина халқаро ҳамжамият инсониятга хавф солувчи тобора кучайиб бораётган ана шу таҳдиддан халос бўла олади.

Шу муносабат билан биз Россия-Америка саммити натижаларини ва Москва шаҳрида имзоланган ҳужжатларни ҳамда Россия билан НАТО ўртасида сифат жиҳатдан янги муносабатлар тўғрисидаги Рим декларациясини қўллаб-қувватлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Эришилган келишувлар, бизнинг фикримизча, вужудга келаётган халқаро вазиятни оқилона ва тўғри баҳолаш натижаси бўлиб, ҳеч шубҳасиз, янги, ўзаро ишончга ҳамда бутун дунёдаги хавфсизликка асосланган концепция ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бу галги саммитининг аҳамияти, энг аввало, ниҳоятда муҳим ҳужжатлар - Хартия, Декларация ва Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисида битим имзоланиши билан белгиланади.

ШҲТнинг асосий ҳужжатлари бўлган Хартия ва сиёсий Декларация ташкилотнинг ўзи ва айни пайтда унинг асосида тузилиши мумкин бўлган барча тузилмаларнинг кенг кўламли фаолияти учун зарур асос яратади ҳамда халқаро ва давлатлараро алоқалар тизимида унинг ўрнини белгилайди.

Ўзбекистон ШҲТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларини; гуманитар соҳада, ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидаги кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Ҳеч шубҳасиз, ШҲТнинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ва тамойилларининг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади.

Шу муносабат билан юқорида қайд этилган ҳужжатларда ШҲТнинг блок ёки ёпиқ турдаги бирлашма эмаслиги, унинг очиқлиги, дунёнинг барча давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ кенг кўламли амалий мулоқот ва ҳамкорликка тайёрлиги кўзда тутилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Биз ҳар бир давлатнинг ва бутун Марказий Осиё минтақасининг суръатли, олға интилувчи ва барқарор тараққиётини қўллаб-қувватловчи барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлишимиз, бу ерда геосиёсий рақобат ва зиддиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Биз шу йилнинг май ойида Россия ва АҚШ президентлари томонидан имзоланган Қўшма декларациядаги ушбу баёнотни қўллаб-қувватлаймиз: «Биз Марказий Осиёда ва Жанубий Кавказда барқарорликни, минтақадаги ҳар бир давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканлигимизни тан оламиз. Россия билан АҚШ «буюк давлатлар» рақобатининг ўзини оқламаган моделидан воз кечади, зеро бу йўл мазкур минтақадаги вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин».

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Имкониятдан фойдаланиб, минтақамиз хавфсизлигига бевосита дахлдор бўлган, жумладан, афғон можароси масалалари хусусидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Ўзбекистонда доим, каттами-кичикми, қўшнини танлаб бўлмайди, деган нақлга амал қилиб келинган. Демак, улар билан дўстона, иноқ, баҳамжиҳат ва тотув яшаш, уларнинг миллий қадриятлари ҳамда манфаатларини ҳурмат қилиш лозим. Бизнинг Афғонистонга нисбатан асосий ёндашувимиз ҳам ана шундай. Тан олиш керакки, аксилтеррор ҳаракатларнинг асосий ҳарбий босқичи якунланиб, Афғонистонда террорчилик инфратузилмаси амалда яксон этилганига қарамай, бу ерда вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш мушкул. Ҳарбий-сиёсий кучларнинг қайта гуруҳланиши, террорчиларнинг вақтинча яшириниб олган тўдаларининг фаоллашуви ва маълум бир кучлар томонидан Афғонистон ичидаги турли гуруҳлар ўртасида кенг кўламли уруш ҳаракатлари келтириб чиқарилиши эҳтимолини инкор этиб бўлмайди.


***(Давоми 2-бетда).***


*Мухбир нуқтаи назари*

# КИЧИК КОРХОНАЛАР

## фаолияти нега тўхтади?

***Жорий йилнинг биринчи чорагида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида хусусий тадбиркорларга кенг кўламда комплекс хизматлар кўрсатиш зарур даражада ривожлантирилмаганлиги, сансалорлик ҳолларига барҳам берилмаганлиги танқид қилинганди.***

Туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар танқиддан хулоса чиқариб, хусусий секторни давр талаби даражасида ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишга киришдилар. Айни пайтда туманда 891 та ўрта ва кичик бизнес субъекти мавжуд. Улардан 42 таси ўрта, 80 таси кичик корхоналар, 760 таси эса микрофирмалардир. 400 дан ортиқ деҳқон ва фермер хўжаликлари эл дастурхонини тўкин-сочин этиш мақсадида сархил неъматлар етиштириш омилларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Бултур 79 та ўрта ва кичик бизнес субъекти, 32 та фермер, 11 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Туман ҳокимлиги ходимларининг таъкидлашларича, тадбиркорларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялашга эътибор кучайди. Улар ўзларига яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда. Шу боис жорий йилнинг ўтган даври ичида ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланувчилар қарийб 40 тага кўпайиб, 298 та иш ўрни яратилди.

Ишбилармонларни қўллаб-қувватлашда кредитлар бериш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда тижорат банклари маблағларидан 81 нафар тадбиркорга 123 миллион, бир вазирлик томонидан 20,3 миллион сўм имтиёзли қарз берилди. Муҳр ва штамплар тайёрлайдиган цех очилганлиги омилкор кишиларни ғоятда хушнуд этди. Хорижий инвестицияни кичик бизнес соҳасига жалб этиш ҳам қувончли натижа бермоқда. «Райҳон» ҳиссадорлик жамияти негизида Швейцариянинг номдор фирмаси билан ҳамкорликда йилига 4 минг тонна калава ип ишлаб чиқарадиган қўшма корхона тузиш мўлжалланмоқда. Ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ишсизлик муаммосини босқичма-босқич ҳал этиш имконини беради, дейишмоқда мутахассислар.

Берунийда 146.622 нафар аҳоли яшайди. Шундан 43115 нафари қишлоқларда истиқомат қилади. «Бандлик дасури» ишлай бошлади. Агар 2001 йилда 2338 иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган беш ойи ичида бу кўрсаткич 750та ни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини бартараф этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан қишлоқларда яшовчи пенсионер ва ёрдамга муҳтож 3029 кишига 6 миллион 620 минг сўм устамалар белгиланди. Тумандаги «Олтин бошоқ», «Ғайрат», «Тола», «Даврон», «Юлдуз» хусусий корхоналари ҳисобидан 200 дан ортиқ иш ўринлари юзага келтирилди. Ногирон, ёш боласи бор оналарни, вояга етмаган ёшларни ишга жойлаштириш учун ташкилотларда квота ўринлари сақлаб турилибди. Эътиборлиси шуки, бундай талабга амал қилмаётган корхоналар маъмурияти фаолиятига муносиб баҳо берилмоқда. Хусусан, нефт маҳсулотлари тарқатиш корхонасига салмоқли миқдорда жарима қўлланилди.

Кўринадики, ишда силжиш бор. Бироқ, ҳали ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар етарли. Баъзи ерларда фермерларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларга қийинчиликларни бартараф этишда мададкор бўлиш кўнгилдагидек эмас. Кимлардир бозор шароитида ишлашга тайёр эмаслиги, баъзи етакчи мутахассислар, кичик корхона эгалари, фермер хўжаликлари раҳбарларида омилкорлик, билим ва ташкилотчилик етишмаётганлиги яққол сезилмоқда. Шу каби камчиликлар туфайли «Шайдосиман», «Ғаниев» хусусий фирмалари, «Ғунча» фермер хўжалиги, «Ҳамза», «Жеткерген» кичик корхоналари фаолиятини тўхтатди. Боз устига, баъзи хўжаликларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда касаба уюшмаларининг ўрни сезилмаяпти. Омилкор кишилар билан ўтказилган давра суҳбатида тўғри таъкидланди: одамлар мутасадди раҳбарлар, мутахассислардан қуруқ ваъдалар эмас, амалий ишлар кутишмоқда. Сабоқлардан хулоса чиқариб, ютуқларни мустаҳкамлаш, мавжуд камчиликларни иложи борича тезроқ бартараф этиш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда ялпи сафарбарликка эришиш зарур.

**Иззат ҲИКМАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

Бунинг устига, Афғонистонда уруш йиллари давомида тўпланиб қолган катта миқдордаги ҳарбий техника, қурол-аслаҳа, мина ва жанговар ўқлар сақланиб турибди. Ушбу вайрон келтирувчи кучни йўқ қилиш ёки сотиб олиш йўли билан бартараф этиш халқаро ҳамжамият олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири-дир. Биз аминмизки, қуролсизлантириш - Афғонистондаги аҳволни барқарорлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Афғонистонда наркотрафик кўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида хавф туғдирмоқда. Афсуски, кўп бора баёнотлар берилганига қарамай, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бу офатга қарши курашдан манфаатдор бўлган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини бирлаштира оладиган мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқишга уринишлар ҳали кузатилмаяпти.

Бу балога қарши фақат жазо ва маъмурий чораларни кучайтириш, гиёҳванд моддалар етиштириладиган худуд атрофида «хавфсизлик минтақаси» деб аталувчи зоналар ташкил этиш орқалигина эмас, балки, биринчи навбатда, Афғонистон иқтисодиётида туб тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳолини бунёдкор меҳнат билан шуғулланишини таъминлаш воситасида курашиш керак.

Бугунги кунда Афғонистон жиддий қарорлар қабул қилиш арафасида турибди. Ушбу қарорлар яқинда бўлиб ўтадиган Лойя Жирғада ишлаб чиқилади ва кенг кўламли вакиллик ҳукумати шакллантирилади. Мамлакатнинг келажакда қайси йўлдан бориши ва унда қандай ижтимоий-сиёсий тизим ва давлат тузуми ўрнатилиши Лойя Жирғанинг нечоғлик муваффақиятли ўтишига боғлиқ. Бизнинг минтақамиздаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ бўлади.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуини кўриб чиқар эканмиз, биз ҳамкорлигимизнинг иқтисодий жиҳатларини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки мамлакатларимизнинг тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари одимлаши кўпқиррали иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиёт эвазига таъминланиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг ниҳоятда бой захиралари, илмий-интеллектуал салоҳиятининг Россия ва Хитой салоҳияти ҳамда иқтисодий ва технологик имкониятлари билан қўшилиши, назаримизда, муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни самарали амалга ошириш, савдо-сотиқ, инвестиция ва бошқа соҳалардаги ШҲТ нинг барча иштирокчилари манфаатларини кўзловчи ҳамкорлик янада ривожланишига хизмат қилади.

Ҳамкорлигимизга оид биринчи навбатдаги муаммолар қаторида маъданли-хомашё захираларидан оқилона фойдаланиш, энергетиканинг мутаносиб инфратузилмасини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби бошқа кўплаб масалалар борки, ҳар бир мамлакатнинг, умуман олганда, бутун минтақанинг барқарор ва жадал тараққиёти улар ечимига боғлиқдир.

ШҲТнинг ушбу барча мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очиқ, омилкор ва самарали ташкилотга айлантириш ниҳоятда муҳимдир. Саъй-ҳаракатларни совурмай, аксинча ҳамкорликнинг «Шанхай жараёни» қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос бўлган асосий масалаларига сафарбар этиш зарур.

ШҲТ тузилмаларини институциявий ва ташкилий жиҳатдан шакллантириш жараёнларини тезлаштириш хусусида, жумладан, Котибият ишини ташкил этиш ва аксилтеррор гуруҳи фаолиятини жадаллаштириш борасида билдирилган айрим таклифларга келсак, ўйлайманки, бу масалалар белгиланган тартибда, барча зарур ҳуқуқий меъёрларга изчил риоя қилинган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бу масалалар муҳокамасини тегишли ваколатга эга бўлган миллий мувофиқлаштирувчиларга топшириш даркор.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бугунги учрашувнинг жуда муҳим бир жиҳати - муносабатлардаги ҳурмат-эътибор, ўзаро ишонч ва ҳамфикрлик ҳамда барча томонлар нуқтаи назари инобатга олинганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бундай ёндашув, шубҳасиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Эътиборингиз учун ташаккур.

# ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, Декларацияда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзолари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаши ҳам алоҳида қайд этилган. Бу эса мамлакатимиз раҳбарияти юритаётган тинчликпарвар сиёсатнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг афзалликлари бу билан тугамайди. У чегарадош ҳудудларда вазиятни барқарорлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бой тажрибага эга. Глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган бугунги кунда эса, кенг кўламли халқаро ҳамкорликсиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш мушкул. Давлатлар қўшни танламайди. Демак, қўшнилар билан келишиб, ҳамжиҳатликда иш юритиш лозим. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ана шу инкор этиб бўлмас ҳақиқатни рўёбга чиқармоқда.

Санкт-Петербургда Президент Ислом Каримов Россия, Хитой ва Тожикистон раҳбарлари билан учрашди.

Маълумки, Россия Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шериги саналади. Мамлакатимиз ташқи савдосида Россиянинг улуши 23 фоизни ташкил қилади. Владимир Путин билан бўлган учрашувда икки томонлама савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларига етаётгани мамнуният билан таъкидланди, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР раиси Цзян Цзэмин билан ўтказилган мулоқотнинг асосий мавзуини ҳам савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалар ташкил этди. Томонлар транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримовнинг Имомали Раҳмонов билан музокараларида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик, Афғонистондаги вазият ҳамда Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, Санкт-Петербургда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳуқуқий асоси дунё юзини кўрди. Таъкидламоқ жоизки, учрашувларда Ислом Каримов «Шанхай жараёни», Цзян Цзэмин эса «Шанхай бурчи» деган янги атамаларни тилга олди. Бу аъзо мамлакатлар ташкилотни ҳар томонлама ривожлантиришга қатъий бел боғлаганидан дарак беради.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири,**
**Тошкент - Санкт-Петербург - Тошкент.**

*Бозор талаби қатъий*

# МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

***Қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтириш ва меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир.***

Яқинда «Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракат дастури»ни бажариш юзасидан Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари қандай ишларни амалга ошираётганлиги шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг III Пленумида атрофлича кўриб чиқилди.

Муштарак мақсадлар йўлида тенг манфаатли асосда ҳамкорлик қилиш давр талаби. Бу борада шаҳар Кенгаши ижтимоий шерикчиликни янги йўналиш деб қабул қилиб, уни амалга ошириш механизми, шакл ва услубларини такомиллаштириш борасида изчил фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу йўналиш касаба уюшмалари, давлат бошқаруви идоралари, иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда вужудга келаётган муаммоларни музокара, ҳамкорлик ва ўзаро келишув йўли билан ҳал этишни тақозо этади. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун 2000 йилда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида 2000-2002 йилларда аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида Битим қабул қилинди. Томонлар мазкур Битимда шаҳарни ижтимоий ривожлантириш дастурини бажариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби бир қатор масалаларни кўзда тутган.

Анжуманда иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйган корхоналар фаолияти танқид остига олинди. 2001 йилда иш ҳақидан қарздор 1323 та ташкилот ва корхона фаолияти комиссия мажлисларида кўриб чиқилиб, 285 та корхона раҳбарларига уч ярим миллион сўмга яқин жарима қўлланилган.

Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим юридик ҳужжат жамоа шартномасининг аҳамияти каттадир. Шаҳардаги ташкилотлар ва корхоналарда 2001 йилда 2730 та жамоа шартномаси тузилиб, 3822 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида тадбиқ этилди. Тармоқ касаба уюшмалари шаҳар қўмиталарининг жамоа шартномаларининг бажарилиши борасидаги йил якунлари бўйича берган маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, 2001 йилда корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари орқали ҳар ходимга салмоқли маблағ сарфлангани ижобий ҳолдир.

Ўтган давр мобайнида жамоалар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан 1 миллиард 510 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди ва меҳнатни муҳофазалаш бўйича битимларда режалаштирилган олти мингга яқин тадбир амалга оширилди.

Меҳнат аҳли ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин тутади. Шаҳар касаба уюшмалари Кенгашида ўтган давр мобайнида аҳолидан келган 126 та ариза ва шикоятлар кўрилиб, кўпчилиги ижобий ҳал этилди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ.**

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

***1996 йил республикамизда бозор иқтисодиёти шароитининг асосий субъектлари — иш берувчи билан ёлланма ходимларнинг меҳнат муносабатларини мувофиқлаштириб берадиган Меҳнат Кодекси қабул қилинди.***

***У касаба уюшмалари олдига янги вазифалар қўйди.***

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК: 1 ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Шу муносабат билан ўтказилган Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг IV Қурултойида Уставнинг янги таҳрири, 2000-2004 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомлар муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Ўтган йили тармоқ касаба уюшмаси Пленумида Тошкент вилоят қўмитасида ушбу Дастур қандай бажарилаётгани талабчанлик вазиятда муҳокама қилинганди. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу ўтган давр ичида вилоят қўтимасида ижобий силжишлар бўлди. Марказий қўмитанинг яқинда бўлиб ўтган V Пленумида эса Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмитасининг бу борадаги ишлари кўриб чиқилди.

Ўтган давр ичида шаҳар касаба уюшма қўмитасининг 5 та Пленуми ва 12 та Раёсат мажлисида ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, спорт-соғломлаштириш ва ходимларнинг маънавиятини ошириш ишларини такомиллаштириш борасида 160 та масала кўриб чиқилди.

Марказий қўмита Раёсати қарорига асосан 1999 йилдан бошлаб барча жамоа шартномалари шаҳар касаба уюшмаси қўмитасида экспертизадан ўтказиб, ундан сўнг меҳнат жамоаларининг мажлисларида қабул қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда касаба уюшмаси хизматида бўлган корхоналарда ва ташкилотларда 144 жамоа шартномалари қабул қилиниб, 116 таси рўйхатдан ўтказилган.

Бундан ташқари, касаба уюшма қўмиталари томонидан жамоа шартномаларига қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилган. Хусусан, «Турон-Оникс», «Турон-Марказқурилиш, «Енгил металл қурилмалари заводи», «Тошсаноатқурилиш» акционерлик жамиятлари ва бошқа ташкилотларда 16 ёшгача фарзанди бўлган ишчи аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда қисқартирилган иш ҳафтасини белгилаш, нафақага чиқадиган ходимларни 10 баробар ўрта иш ҳақи миқдорида рағбатлантириш каби масалалари киритилди.

Жамоа шартномаларидаги тадбирларни бажариш учун сарфланган маблағлар ўрта ҳисобда бир ходимга 1999 йил 62000 сўмни ташкил қилган бўлса, 2001 йил бу рақам 319000 сўмгача етказилди.

Ўтган даврда ижтимоий ҳимоя масаласи бўйича 271 нафар ходимнинг ёзма мурожаатлари кўриб чиқилди. Улардан 249 таси иш ҳақини тўлаш масалаларини ташкил этди.

Шаҳар касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат шартномаларини тузишни расмийлаштириш ва бекор қилиш, меҳнат дафтарчаларини юритиш масалалари назоратга олинган.

Юқоридаги дастурга асосан 2000 йилдан бери ташкилотларда 150 дан ортиқ текширувлар ўтказилиб, унда 3000 дан ортиқ меҳнат муҳофазаси талаблари бузилганлиги аниқланди. Ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитлари таъминлаб берилмаганлиги учун 16 та ташкилот ва корхона раҳбарларига 109500 сўм миқдорида жарима солинди.

Шаҳар касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказилган текширувлар натижасида «Сифат» АЖда Р.Зарипов, Р.Павлова, «Алтемир» АЖда Х.Азимов, С.Ғофуров, «Тошкент ёғочга қайта ишлов бериш заводи» АЖда А.Жўраев ва бошқаларга тўланмаган бир марталик тўловлар ундириб берилди. Шунга қарамасдан, касаба уюшма Тошкент шаҳар қўмитаси фаолиятида бир қатор камчиликлар ҳам борки, бунга тўхталмасдан илож йўқ. Пленумдаги Марказий қўмита раиси Бахтиёр Раҳмоновнинг маърузаси ҳам ана шу хато ва камчиликлар ҳақида бўлди.

— Касаба уюшма шаҳар қўмитаси раиси Алижон Умаровнинг ҳисоботидан кўриниб турибдики, — деди у, — 24 мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоси бўлган 182 та бошланғич ташкилотни бирлаштириб турган ташкилот ўтган давр мобайнида қатор ишларни амалга оширди.

Жамоа шартномларини қабул қилиш ва уларнинг сифатини ошириш бўйича маълум ютуқларга эришиш билан бирга, камчилик ва хатолардан ҳам холи эмас. Масалан, 182 корхонадан фақат 144 тасида жамоа шартномаси қабул қилинган. Улардан 116 тасигина таҳлил қилиниб, рўйхатдан ўтказилган.

«1-ТОЭМЗ» ва «Эл-ТЭГ» корхоналарида эса жамоа шартномасининг муддати 2000 йилда тугаган. Янгиси қабул қилинмаган. Ушбу жамоа шартномаларининг амалдаги йилларида ҳеч ким ҳисобот бермаган ва уларнинг бажариш натижалари бўйича якун чиқарилмаган.

«Тошқурилишмеханизация» ҳиссадорлик жамиятидаги жамоа шартномасида корхонада кўп йиллар ишлагани учун қўшимча таътил 5 кунгача қилиб белгиланган. «Қурилишхўжаликтемиртранс» Давлат корхонасида эса, қўшимча таътил тармоқ келишувидаги 7 кун ўрнига, 4 кунгача қилиб белгиланган. «Нерудник» ҳиссадорлик жамиятида ишчиларга асосий таътил муддати 18 иш куни, маъмурий бошқарув ходимлари ва инженер-техник ходимларга эса 24 иш куни қилиб белгиланган. Иш шароити учун қўшимча тўловлар белгиланмаган. Штат қисқартирилганда пенсия ёши арафасидаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилмаслик шартлари кўзда тутилмаган.

«Тошмармар»да ишлаб чиқаришда ногирон бўлганларни даволаш учун бепул йўлланмалар билан таъминлаш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш каби мажбуриятлар кўзда тутилмаган.





**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**И. ҲАСАНОВ олган суратлар.**

# ДЕҲҚОН УЧУН МАХСУС ДЎКОН

Қашқадарё вилояти туманларида кимёвий ўғитлар сотиладиган 30 та махсус савдо дўконлари ишламоқда.

"Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмаси вилоят филиалига қарашли мазкур дўконларда барча қишлоқ хўжалик корхоналари, хусусан, деҳқон-фермер хўжаликлари, якка тартибдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатилади.

Шу кунга қадар ушбу дўконлар орқали 2798 тонна азотли, 517 тонна фосфорли ва 2 тонна бошқа турдаги кимёвий ўғитлар сотилди. Айниқса Косон, Қарши, Қамаши, Яккабоғ, Ғузор ва Шаҳрисабз туманларидаги махсус дўконлар харидорлар билан гавжум бўлмоқда.

# ОНАХОНЛАР САЁҲАТДА

Андижоннинг "Саъдий" маҳалласида истиқомат қилувчи эллик нафар бувижонлар мамлакатимизнинг тарихий ва зиёратгоҳ жойларига саёҳатга чиқишди.

Ушбу ҳайрли ишга Андижон шаҳридаги "Нуроний", "Маҳалла", "Олтин мерос" жамғармалари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бош-қош бўлди.

- Ҳомийлар томонидан ажратилган автобусларда улар дастлаб пойтахтга йўл олишади, - деди маҳалла аёллар қўмитасининг раиси Матлубахон Отақулова "Туркистон-пресс" мухбирига. Шунингдек, онахонлар Самарқанд ва Жиззах шаҳарларида ҳам бўлишиб, у ерлардаги тарихий обидаларни зиёрат қилишади. Бундан ташқари, улар мазкур вилоятлардаги фаол аёллар билан мулоқотда бўладилар.

# ҚИШЛОҚДА СУПЕРМАРКЕТ

Касби туманидаги "Қашқадарё" хўжалигида аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш, қишлоқ аҳлига савдо хизмати кўрсатиш даражасини юксалтириш мақсадида замонавий супермаркет ишга туширилди.

Тадбиркор Худойназар Аҳадовнинг шахсий маблағи ҳисобидан қад ростлаган замонавий супермаркетнинг савдо пештахталарига жами 500 турдаги - озиқ-овқат, қурилиш материаллари, кийим-кечак ва бошқа хилдаги товарлар қўйилди.

# ҚАДРДОН МАКТАБ

Республика "Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмасининг раиси Эрқул Зикриёевнинг хайрли ташаббуси билан Косон туманидаги "Мустақилликнинг ўн йиллиги" номли мактаб ўн миллион сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари ҳамда спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Эрқул Зикриёев мазкур мактаб жойлашган Равот маҳалласида туғилиб вояга етган. Уюшма ҳомийлигида жорий ўқув йилида 226 ўринли янги замонавий мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди. Ўқувчилар юз фоиз ўқув дарсликлари билан таъминланди.

Айни вақтда янги чиқадиган дарсликларни харид қилиш учун икки миллион 70 минг сўм маблағ мактаб ҳисоб рақамида сақланмоқда.

**"Туркистон-пресс".**

*Жаҳон тажрибасидан*

# КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТЛАРИ

***Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нуфузли ташкилотдир. Шу билан бирга ишловчилар муаммоларини ҳал қилиш, улар зиммасига бошқа юртлардаги меҳнат ташкилотлари, оммавий демократик ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилиш вазифасини ҳам юклайди. Бунинг натижаси ўлароқ бутун дунё меҳнаткашларининг манфаатларини ўзида мужассам этувчи турли халқаро ташкилотлар ва уюшмалар ташкил этилган.***

Халқаро касаба уюшма ташкилотлари орасида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг фаолияти диққатга сазовор. У 1919 йилда Версаль шартномаси асосида Миллатлар Лигасининг таркибий қисми сифатида ташкил этилган. Бу ташкилот дастлабки кунларданоқ «уч тарафлама келишув» тамойилини илгари сурди. Ушбу тамойилга кўра сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳукумат, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари тенг шерик сифатида иштирок этишлари лозим. ХМТ томонидан илгари сурилган бундай талаблар касаба уюшмаларининг корхона таркибидаги кичик ташкилот эмас, балки мамлакатдаги сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси, сиёсий жараёнларнинг фаол субъекти сифатида тан олинишига олиб келди. Нуфузли ташкилот мақсади ижтимоий адолат ғояларига суянган ҳолда бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришишдир. Бунинг учун аввало меҳнаткашлар оммасининг аҳволини яхшилаш, иш вақтини қисқартириш, ишсизликни камайтириш, меҳнаткашларга тўланиши зарур бўлган иш ҳақларини кафолатлаш, меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш талаб этилади.

Саксон йиллик фаолияти давомида ХМТ индустриал жамиятларда, тоталитар давлатларда, ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлардаги меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб келди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўз фаолиятини тўрт стратегик мақсадга йўналтиради.

Биринчидан, меҳнат соҳасидаги асосий тамойилларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш.

Иккинчидан, аёллар ва эркакларга ўз иш жойларини топиши ва даромад олишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш.

Учинчидан, ижтимоий муҳофаза соҳасининг кўламини барчани қамраб оладиган даражада қамраб олиш.

Тўртинчидан, «уч тарафлама келишув» ва ижтимоий шартнома тамойилларини мустаҳкамлаш.

Буларнинг ҳаммаси ташкилотнинг жаҳон меҳнаткашлари орасида катта обрўга эга бўлишига, ишчи-хизматчилар ишончини қозонишига олиб келди.

Замонавий меҳнат муносабатларининг вужудга келишида ХМТнинг «Уюшмалар ва ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция»си муҳим аҳамият касб этди. Бу Конвенцияси меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Бу ҳужжатлар бошқа ривожланган мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасида ҳам амал қилади ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар сингари қонуний кучга эгадир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтилган.

Халқаро майдонда ёки бирор мамлакат миқёсида фаолият кўрсатиб келаётган касаба уюшмаларининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар меҳнаткашларнинг бандлик билан боғлиқ ёки бошқа сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, қатор ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамиятини шакллантиришга улкан ҳисса қўшдилар. Узоқ йиллар давомида касаба уюшмалари ўз фаолиятини ривожлантира бориб, «фуқаролик жамияти» тушунчасининг моҳиятига ҳам сезиларли ўзгартириш киритдилар, уни янги мазмун-маъно билан бойитдилар.

Халқаро касаба уюшмалари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш Ўзбекистон касаба уюшмаларига катта наф келтирмоқда. Айни пайтда худди шу ҳамкорлик мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ижобий ишларни, бой тажрибаларни жаҳон ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

**Барно АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**



## КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

***Жорий йилда 300 нафар йигит-қизлар Бухоро нефт ва газ саноати коллежи дипломига эга бўлишади.***

- Чорак аср мобайнида 7109 нафар ёшлар ушбу ўқув масканини битириб, ўрта махсус маълумотга эга бўлди, - деди коллеж директори Замир Адизов "Туркистон-пресс" мухбирига. Улар бугунги кунда мамлакатимиз нефт ва газ саноатининг турли бўғинларида меҳнат қилишаётир.

З.Адизовнинг айтишича, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясига қарашли мазкур коллежда нефт ва газ қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш, нефт ва газни қайта ишлаш, бухгалтерия касблари бўйича мутахассислар тайёрланади.

## ЖИЗЗАХЛИКЛАР ХИРМОНИ

Жиззах вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 470 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бериб, шартнома-режасини бажарди.

- Жорий йилда ўтган йилга нисбатан 100 тонна кўп пилла етиштирилди, - дейди вилоят «Пилла» акциядорлик жамияти раиси Илҳом Умрзоқов. - 9 минг 600 қути ипак қурт уруғининг ҳар қутисидан ўртача 48 килограммдан ҳосил олинди. Бу муваффақиятга Пахтакор, Мирзачўл, Зарбдор, Арнасой туманлари пиллакорлари салмоқли улуш қўшди.

Вилоятда пилла топшириш давом этмоқда.

**(ЎзА).**

— Ҳар ким ўз иш ўрнида биркитилган вазифани сидқидилдан адо этса, пировард натижа кўнгилдагидек бўлади, - дейди 30 йилдан бери ҳайдовчилик касбини шарафлаб келаётган «Шаҳрисабз-35» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчиси Рашид Чориев.

«Китобгазтаъминот» бўлими чилангарлари Зокир Бойқулов, Бобомурод Юсупов ва пайвандчи Жалол Худойбергановлар ҳам бу ҳақиқатни ўз самарали меҳнатлари билан исботламоқдалар.



**Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.**

## Саволингизга Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси юридик бўлими мудири Ориф ҒАЙНАЗАРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***Ўғлим муддатли ҳарбий хизматда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер солиғидан озод қилиниш тўғрисида»ги қарорига биноан ҳарбий хизматдагиларнинг оила аъзолари ер солиғидан озод қилинишини билганимдан сўнг ўғлимнинг хизмат жойидан маълумотнома олиб уй-жой мулкдорлари ширкати (ЖЭК)га бордим. Лекин «сиз ҳовлида эмас, «дом»да яшарканси з», деб менга рад жавобини беришди. Шу тўғрими?***

### БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



**ЖАВОБ**: Сизнинг хатингизда эгалигингизда (ихтиёрингизда) ер участкаси бор ёки йўқлиги, бор бўлса нима мақсад учун берилгани кўрсатилмаган. Шу сабабли саволингизга жавоб бериш учун фуқароларга берилган қандай ер участкаларидан солиқ олинишини аниқлаб оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 98-моддасида фуқаролар ўз ихтиёрида бўлган қуйидаги ер участкалари учун солиқ тўлашлари кўрсатилган:

1) турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари учун;

2) якка тартибда уй-жой қурилиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари учун;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш мақсадида берилган ер участкалари учун;

4) хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлари учун;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари учун;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари учун;

7) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари учун;

Демак, сизга юқорида айтиб ўтилган 7 та мақсаддан биронтаси бўйича ер участкаси ажратиб берилган бўлса, бундай ер участкалари учун солиқ тўлашингиз лозим бўлади. Лекин фарзандингиз ҳозирги вақтда муддатли ҳарбий хизматда ўз йигитлик бурчини ўтаётган экан, фарзандингиз хизматини ўташ даврида айрим мақсаддаги ерлар учун ер солиғи тўлашдан озод этиласиз. Бу имтиёз Солиқ Кодексининг 102-модда учинчи қисм 4-бандида белгилаб қўйилган. Унга асосан, ихтиёрингизда якка тартибда уй-жой қурилиш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонунда белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бор бўлса, бундай ерлардан солиқ тўламаслик ҳуқуқидан фойдаланасиз. Кўп қаватли уйда ёки ҳовлида яшашингиздан қатъий назар ушбу имтиёздан фойдаланишга ҳақлисиз.

Шу ўринда солиқ соҳасида белгиланган яна бир имтиёз ҳақида эслатиб ўтсак. Фарзандингиз муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида иморатлар (бинолар) учун тўланадиган солиқдан ҳам озод этиласиз.

Мазкур имтиёз Солиқ Кодексининг 93-моддасида белгиланган.

Кўп қаватли уйда яшаётган экансиз, уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига (илгари ЖЭКга) совуқ сув, иссиқ сув, иссиқлик, канализация, газ, электр энергияси сингари коммунал хизматлар бўйича харажатларни тўлайсиз. Амалда қонунчилигимизда оила аъзоларидан бирининг муддатли ҳарбий хизматда бўлган шахсларга коммунал хизматдан имтиёзли фойдаланиш назарда тутилмаган.

***Инсон ўз Ватанида камол топади, вояга етади, ўз хизматлари эвасига қадрланади. Зеро, ҳар қандай ҳаёт инсон учун мактаб вазифасини ўтайди. Хўш, шундай экан, бу мактабда қандай сабоқлар олинади? Қайси ўқувчи унда аълочи ва қандай мураббийнинг йўл-йўриғи ибратли? Инсонни камолотга элтувчи бу ҳаётнинг дастури ёхуд инсонпарварликнинг қандай омилларини биламиз? Биз инсон тафаккуридаги ўзгаришларнинг давр талабига ҳамоҳанг тарзда ўзгариб келиши сабаблари моҳиятини англаб ета олаяпмизми? Ҳаёт билан тафаккур ўртасидаги уйғунлик ёхуд у билан боғлиқ зиддият нималардан иборат?***

# БИЗ КИММИЗ, ТОМИРИМИЗ ҚАЕРДА?

Ўзбекистон халқи маънавий юксалиш даврини бошдан кечирмоқда. Бу юксалиш нафақат сиёсий тизимнинг ўзгариши, балки инсон тафаккурининг ҳам ўзгариши билан боғлиқ жараёндир. Бу жараён юз йиллар мобайнида топталиб келган қадриятларимизнинг тикланишида намоён бўлмоқда. Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади. Не бахтки, мустақиллик шарофати билан инсон хотираси ва қадри жамиятнинг олий маънавий неъматига айланди. Давр маънавий ҳаётни, инсоннинг маънавий камолотини тараққиётнинг энг биринчи шартига айлантирди. Юртбошимизнинг ушбу сўзлари мағзини чақайлик-а: «Аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислоҳотлар муваффақиятга эришади».

Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир. Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодлари қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи бўлмайди. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди. Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир. Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Ривожланишимизнинг бундай юксак йўлига хос теран инсоний моҳиятни тушуниш учун айрим тарихий қиёсларга мурожаат қилишга тўғри келади. Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Биз мустамлака сиёсатига асосланган собиқ шўро даврини бошдан кечирдик. Бу тузумнинг қабиҳлиги шунда эдики, кўп миллатли халқларни «ягона совет халқи» сафига бирлаштириш ниқоби остида уларнинг тарихий, маданий, миллий ва ҳатто оддий инсоний хотирасидан маҳрум қилиш мақсад қилиб қўйилганди. Масалан, ўзбек халқи ўзининг тарихи бой, буюк маданиятли бир халқ эканлигини деярли унутиб қўйиш даражасига келиб қолган эди. Фақат истиқлол шарофати билангина жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа улуғ сиймолар замондошларимиз маънавиятига қайтариб берилди.

«Мустақил Ўзбекистоннинг кучқудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир», деб уқтирган Президентимиз ғоятда муҳим бир Фармонга имзо чекди. Бу 9 майни «Хотира ва қадрлаш» куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармон эди. Инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, унинг маънавиятини яна бир поғона юксакликка кўтарадиган маъно ва моҳият билан суғорилган эди у. Шу боис ҳам Фармон мамлакат миқёсида инсон қадр-қимматини белгиловчи мезонга айланди.

Президентимиз томонидан яна бир саъй-ҳаракат, бу — 2001 йил

*Қадрият*

1 майда эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармон бўлди. Ушбу Фармонда, жумладан, шундай дейилади: «Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлгани, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди. Истибдод даврида қатағон қурбони бўлган улуғ сиймоларни ёд этиш билан бирга худди шундай ноҳақ зулмга гирифтор этилган жафокаш оддий одамларни бугун биз, истиқлол неъматидан баҳраманд бўлаётган миннатдор авлод, ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олишимиз, руҳларини шод этишимиз ҳам қарз ҳам фарздир, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир».

Бугун ҳам сафимизда туриб, Мустақил Ўзбекистоннинг озод, обод ва фаровон келажаги учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётган азиз, ҳурматга лойиқ мўйсафидларимиз, кексаларимиз, фахрийларимизнинг ҳурмат-эъзози эса бугунги кунда янада мустаҳкамланмоқда. Фахрийларимиз давлат, жамият томонидан маънавий ва моддий рағбатлантирилмоқда. Бундай мурувват ҳукуматимиз томонидан 2002 йилнинг мамлакатимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинишида намоён бўлди. Жорий йил мамлакатимизда инсон шахсини, унинг маънавий ва ижтимоий манфаатларини янада теран ҳимоя этиш, жамият эътиборини хонадонимизнинг кўрки, эзгу ниятларимизнинг ижобати бўлган нуроний отахонларимиз ва онахонларимизга қаратилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу муносабат билан махсус давлат дастури қабул қилинди. Бу дастурнинг асосий маъно-мазмуни аниқ мақсадларни кўзлайди, токи бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим. Шу билан бирга дастурда кексаларни қадрлаш, ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, пенсия миқдорини қайта кўриб чиқиш, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг имтиёзлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар эъзозда бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Севара НУРМАТОВА.**

*Шарҳловчи минбари*

***Унинг исмини кўпчилик билмайди. Бироқ Усома бин Лодин террорчилар орасида қанчалик нуфузга эга бўлса, у ҳам шунчалик машҳурдир. Айни кунларда эса у ҳақдаги бор маълумотлар аксарият давлатларнинг хавфсизлик хизматларига юборилган. Унинг қаердалигини айтган кишига 25 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот белгиланган.***

# «АЛ-ҚОИДА»НИНГ СИРЛИ ҚУРОЛИ

Асли қувайтлик бўлган Холидшайх Муҳаммад АҚШ хавфсизлик хизмати томонидан бир неча йилдан буён қидирилмоқда. Яқин-яқингача бу террорчи Жаҳон савдо маркази биноси ёнида 1993 йили амалга оширилган портлашни ташкиллаштиришда гумон қилинаётганди. Бироқ CNN телекомпаниясининг маълумотига қараганда, АҚШ хавфсизлик хизматлари Холидшайх «Ал-Қоида»га бевосита алоқадор экани ва бу ташкилотнинг барча ёвуз қилмишлари мана шу кимса томонидан режалаштирилишини аниқлаган. Энг қизиғи эса, 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтондаги портлашлар ҳам бевосита шу террорчи томонидан уюштирилган ва унинг назорати остида амалга оширилган экан.

АҚШ изқуварларининг айтишича, 11 сентябрдан сўнг «Ал-Қоида»нинг сирли қуроли» деган номга сазовор бўлган Холидшайх ўша куни портлатилган самолётлардаги 19 нафар террорчининг банкдаги ҳисоб рақамларига пул ўтказиш билан шахсан ўзи шуғулланган. Бундан ташқари, турли мамлакатларда жангарилар учун мўлжалланган ҳарбий лагерлар тузиш, ташкилот сафига янги аъзоларни жалб қилиш, уларни ғоявий «қайта тайёрлаш» ҳам Холидшайхнинг зиммасида бўлган.

Усома бин Лодиннинг ҳозирги кунда АҚШ қамоқхоналаридан бирида сақланаётган яна бир маслакдоши Абу Зубайданинг айтишича, 11 сентябр воқеаларида Усома бин Лодин айбланаётган бўлса-да, бу хунрезликларни режалаштириш ва амалга ошириш тўлалигича Холидшайхга юклатилган. АҚШ ҳудудига кириш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, террорчиларни самолёт ҳайдашга ўргатиш, умуман барча тайёргарлик ишлари Холидшайх томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.

Тергов жараёнида Абу Зубайда яна бир сирни ошкор этди. Унинг айтишича, 11 сентябр куни Жаҳон савдо маркази ҳамда Пентагонга урилган самолётларни қўлга олган террорчилар гаровга олинганлар билан бирга ҳалок бўлишини билмаган. Бир сўз билан айтганда, улар дин йўлида қурбон бўлишни хоҳламаган. Осон йўл билан пул топишни ўйлаб мана шу йўлга кирган. Террорчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул ўтказилиши ҳам бу фикрни тасдиқламоқда.

**Бобур СОБИРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Соғлом авлод — юрт бахти*

# АССАЛОМ, БОЛАЛАР ЁЗИ!

***Мактабларда ўқув йили тугаб, ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланди. Бу йил Қашқадарё вилоятининг энг сўлим ва хушманзара гўшаларида жойлашган оромгоҳларда 23 минг нафардан ортиқ ўқувчилар дам олдирилади.***

— 25 та оромгоҳ муддатидан илгари таъмирланиб, зарур воситалар билан таъминланди, - дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Эсонбой Ражабов. - Шу жумладан, 15 та мактаб ҳузуридаги оромгоҳлар фаолият кўрсатади. «Ёш алангачи», Беруний номли, «Лочин», «Гулистон», «Гулнора» оромгоҳларида таъмирлаш ишлари барвақт тугалланди.

«Гулнора» оромгоҳи Шаҳрисабз туман қишлоқ ва сув хўжалиги тасарруфида бўлиб, 1350 ўқувчини дам олдириш режалаштирилган. Умумий майдони 3,5 гектарни ташкил этган оромгоҳ «Оқсув» дарёси бўйида жойлашган бўлиб, хушманзаралиги билан ажралиб туради. Қувончлиси шундаки, бу йилги мавсум арафасида оромгоҳ табиий газ билан таъминланди. 500 метр масофада тоза ичимлик суви қувури тортилди. Болалар учун янги ҳаммом қурилди. «Ҳисораксувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма жамлама бунёдкорлари 10 миллион сўмга яқин таъмирлаш ишларини бажарди. Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ижтимоий суғурта фондидан берилган кўмак оромгоҳни барвақт ҳозирлашга имкон яратди.



Мазкур оромгоҳда бўлиб ўтган семинар-кенгаш иштирокчилари бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишдилар.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Шуҳрат Алланазаров ўтган мавсум якунлари, бу йилги режалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, - деди маърузачи ўз сўзида, - кўпгина хўжалик ва ташкилотлар оромгоҳлардан ўтган йилги қарзларини уза олмаяптилар. Майна Ҳасанова номли, «Саховат», «Ниҳол» оромгоҳларининг ҳомий ташкилотлари қарздорликни зудлик билан бартараф қилиш тадбирларини белгилашлари лозим.

10 июндан болалар ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланди. Вилоят маркази Қарши шаҳридан воҳанинг сўлим гўшаларига йўл олган автобуслар болажонларни манзилларига хавф-хатарсиз етказиб қўйди.

Дарвоқе, бу йил ҳам вилоятдаги оромгоҳларда Оролбўйи болаларини дам олдириш режалаштирилган. Бунинг учун барвақт ҳозирлик кўрилди.

Оромгоҳларда хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассаса раҳбарлари мутахассислар билан таъминладилар. Соғлиқни сақлаш, ички ишлар бўлими, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳамкорлигида мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, оромгоҳларда санъаткорлар ўз иқтидорларини намойиш этадилар, турли спорт мусобақалари, китобхонлик конференциялари ташкил этилади.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Иқтидор*

# МУСИҚА ҚАНОТИДА

***Яқинда Ёшлар Маданият саройида болалар мусиқа мактабининг ўқувчиси Тоҳиржон Яхшибоевнинг хайрия концерти ҳақидаги эълонни ўқиб, очиғи, ҳайратландим. Турли жойлардан ташриф буюрадиган санъаткорларнинг бундай томоша кўрсатиши одат тусига кириб қолган эса-да, лекин мактаб ўқувчисининг хайрия концерти ҳар куни бўладиган ҳодиса эмас. Қизиқиб концертда иштирок этдим.***

Турон заминида мусиқа санъатининг ривожи неча минг йилликларга бориб тақалади. Қадимий Афросиёб ёки Сирдарё бўйларидаги Ахсикент, Термиз ёки бошқа қатор шаҳарлардан топилган асори-атиқалардаги тасвирлар, сопол идишлар ва бронзадан ясалган буюмларга чизилган суратлар бунинг исботидир. Улуғ ватандошимиз Беҳзод мўйқаламига мансуб асарларда ҳам мусиқа асбоблари тутган кишиларни учратамиз. Айтмоқчимизки, санъатнинг бу тури ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган ва у тобора юксалиб, такомиллашиб бормоқда. Хайрия концертига йиғилган мусиқа шайдолари сафида ўтириб шулар ҳақида ўйлайман.

Тоҳиржон скрипкада ижро этаётган куй баланд пештоқлар узра қанот қоқади. Кўзга кўринмас, лекин ғоят қудратли куч сизни ипакдек майин қўллари билан силаб-сийпалайди, юракларингиз туб-тубига етиб бориб, олис болаликдаги сирли кечинмаларингизни хотирангизда жонлантиради. Ҳаётни, бутун борлиқни қанчалар севишингизни, яшаш қанчалар завқли эканлигини ҳис этасиз. Мусиқа садолари тингач эса сизни шу ҳолатга солаётган куч набирангиз қатори 10-12 ёшли бола қўлидаги ихчамгина мусиқа асбоби эканлигидан янада ҳайратга тушасиз.

Маълумки, инсонда қайсидир касб-ҳунарга мойиллик кўпинча қондан ўтадики, буни илм-фанда «ирсият» деб атайдилар. Зеро, Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Бахтиёр ака ва Юлдузхон Яхшибоевлар ҳам санъаткорлардир. Юлдузхон Самарқанд санъат коллежида торли созлар кафедраси мудири. Тоҳиржон бу ҳақда шундай дейди.

— Менинг мусиқа соҳасидаги илк устозим онам бўлганлар. Биринчи бор улар ижросидаги Иоганн Себостян Бахнинг «Чакона» асарини эшитиб шу соҳага меҳр қўйдим. Умуман, беш ёшимдан мусиқа чалиш билан шуғулланиб келаман. Ўзим ҳам онамга эргашиб куйлар басталашга интиляпман. «Ифтихорим ҳур ўлкам», «Байрам қўшиғи» каби кичик асарлар яратдим ва улар мутахассисларга маъқул бўлди. Мен италян скрипкачилари қироли Никола Поганини, Американинг машҳур скрипкачиси Яша Хейфиц, ҳинд скрипкачиси Сабраманиям асарларини севиб тинглайман.

Бирдан-бир орзуим ўзим яратган куйларни бошқа мамлакатларда ҳам ижро этиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг довруғи жаҳонга танилишига ҳисса қўшиш.

Тоҳиржон ҳали ёш, лекин фақат мусиқа чалиш билангина кифояланиб қолмаяпти. Бинобарин, ундан бўш вақтларини қандай ўтказишини сўрадик.

— Биринчи галда уй юмушларини бажаришда онамга кўмаклашаман, — дейди у. — Санъатдан ташқари спортнинг футбол, волейбол, шахмат-шашка турларига қизиқаман ва кичик-кичик беллашувларда иштирок этиб тураман.

Ёш қаҳрамонимиз ўз иқтидорини тобора такомиллаштириб бормоқда. У ёш ижрочиларнинг М.Ашрафий номидаги республика кўрик-танловида иштирок этиб, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг иккинчи даражали дипломи ҳамда лауреатлик гувоҳномасини қўлга киритди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбри.**

# ИККИ ТУРДАН СЎНГ

## Бразилия ва Испания терма жамоалари кейинги босқичга йўлланма олди

***Тўғриси, тўрт карра жаҳон чемпионлари ҳакамнинг «ёрдами билан» Туркия термаси устидан 2:1 ҳисобида зафар қучгач, футбол мухлислари Пеле ва Гарринча издошларининг нимчорак финал муаммосини амалда ҳал қилганларига унчалик шубҳаланмай қўйган эдилар. Шундай бўлди ҳам.***

Саралаш баҳслари орқали бизга анча яхши таниш бўлган Хитой терма жамоаси Роберто Карлоснинг қанотдан олға ташланиши-ю, фамилиялари «Р» ҳарфидан бошланган ҳужумчилар Роналдо, Ривалдо, Рональдиноларнинг тезкор комбинацияларини бартараф этишга ожизлик қилдилар. Учрашув тугаган пайтда таблода ҳам айни ушбу ўйинчиларнинг номлари қайд этилган ҳолда турганлиги ҳам бежиз эмас. Шундай қилиб, 13 июнда Коста-Рика билан бўладиган ўйин натижасидан қатъи назар бразилияликлар нимчорак финални нақд қилиб қўйдилар.

Кейинги босқичга йўлланма олиш қайси жамоага насиб этади? Бир қарашда Туркия билан кечган баҳсда 1:1 ҳисобида дурангга эришган Марказий америкаликлар учун омад кулиб боқадигандек. Аммо улар бунинг учун бразилияликларга ютқазиб қўймасликлари керак. Бунга кафолат бўлмагани каби туркларнинг Хитой терма жамоасини мағлубиятга учратишига, яна денг йирик ҳисобда ғолиб чиқишига тўла ишонч билдириш қийин. Чунки Бора Милутинович шогирдларининг энди йўқотадиган нарсаси йўқ. Айнан шунинг учун ҳам чин-мочинликлар мўъжиза кўрсатишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Шов-шувли натижалардан ўзини муҳофаза қилиб турган бирдан-бир жамоа, бу ҳозирча Испания термаси, десак муболаға эмас. Касильяс каби моҳир дарвозабонга, Раул, Морьентес, Энрике сингари тўпурарларга эга бўлган пиринейликлар ўтказилган икки учрашувни бир хил — 3:1 ҳисобида ғалаба билан якунлаб, ҳозирданоқ кейинги босқич ўйинларига тайёргарликни бошлаб юбориш имкониятини қўлга киритдилар. Бош мураббий Хосе Антонио Камачо «Е» гуруҳининг иккинчи жамоаси ким бўлиши мумкинлиги устида бош қотираётиб, айнан шу тахмин қилинаётган жамоаларнинг ўйинини диққат билан кузатаётгани, таҳлил этаётгани ҳақида хабарлар келиб турибди.

Аммо бундай фикрларни «А», «F», «G» ва «Н» гуруҳларига нисбатан айтиш қийин. Боиси, ушбу гуруҳлардан қайси жамоалар кейинги босқичга чиқиши ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. Чамаси биз барча учрашувлардан сўнггина хулоса чиқарадиган кўринамиз.

**ИШҚИБОЗ ЁН ДАФТАРИГА**

**«В» ГУРУҲИ**
ЖАР - Словения - 1:0

**«С» ГУРУҲИ**
Бразилия - Хитой - 4:0
Коста-Рика - Туркия - 1:1

**«D» ГУРУҲИ**
Жан. Қурия - АҚШ - 1:1
Португалия - Польша - 4:0

**«G» ГУРУҲИ**
Италия - Хорватия - 1:2
Мексика - Эквадор - 2:1

**«Н» ГУРУҲИ**
Япония - Россия - 1:0
Тунис - Бельгия - 1:1

### КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **«А» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Дания | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-2 | 4 |
| Сенегал | 2 | 1 | 1 | 0 | 2-1 | 4 |
| Уругвай | 2 | 0 | 1 | 1 | 1-2 | 1 |
| Франция | 2 | 0 | 1 | 1 | 0-1 | 1 |
| **«В» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Испания | 2 | 2 | 0 | 0 | 6-2 | 6 |
| ЖАР | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-2 | 4 |
| Парагвай | 2 | 0 | 1 | 0 | 3-5 | 1 |
| Словения | 2 | 0 | 0 | 2 | 1-4 | 0 |
| **«С» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Бразилия | 2 | 2 | 0 | 0 | 6-1 | 6 |
| Коста-Рика | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-1 | 4 |
| Туркия | 2 | 0 | 1 | 0 | 2-3 | 1 |
| Хитой | 2 | 0 | 0 | 2 | 0-6 | 0 |
| **«D» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Жанубий Қурия | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-1 | 4 |
| АҚШ | 2 | 1 | 1 | 0 | 4-3 | 4 |
| Португалия | 2 | 1 | 0 | 1 | 6-3 | 3 |
| Польша | 2 | 0 | 0 | 2 | 0-6 | 0 |
| **«Е» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Германия | 2 | 1 | 1 | 0 | 9-1 | 4 |
| Камерун | 2 | 1 | 1 | 0 | 2-1 | 4 |
| Ирландия | 2 | 0 | 2 | 0 | 2-2 | 2 |
| С.Арабистони | 2 | 0 | 0 | 2 | 0-9 | 0 |
| **«F» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Швеция | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-2 | 4 |
| Англия | 2 | 1 | 1 | 0 | 2-1 | 4 |
| Аргентина | 2 | 1 | 0 | 1 | 1-1 | 3 |
| Нигерия | 2 | 0 | 0 | 2 | 1-3 | 0 |
| **«G» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Мексика | 2 | 2 | 0 | 0 | 3-1 | 6 |
| Италия | 2 | 1 | 0 | 1 | 3-2 | 3 |
| Хорватия | 2 | 1 | 0 | 1 | 2-2 | 3 |
| Эквадор | 2 | 0 | 0 | 2 | 1-4 | 0 |
| **«Н» ГУРУҲИ** | | | | | | |
| Япония | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-2 | 4 |
| Россия | 2 | 1 | 0 | 1 | 2-1 | 3 |
| Бельгия | 2 | 0 | 2 | 0 | 3-3 | 2 |
| Тунис | 2 | 0 | 1 | 1 | 1-3 | 1 |

# МАВСУМ БОШЛАНДИ

"Бухоротекс" акциядорлик жамиятига қарашли "Ёш тўқимачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида дастлабки босқич ўз ишини бошлади.

Оромгоҳда навбатдаги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Хусусан ошхона, дам олиш хоналари қайта таъмирланди. Оромгоҳ ҳудуди ободонлаштирилиб, муҳандислик коммуникациялари тартибга келтирилди. Шунингдек, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, спорт жиҳозлари сотиб олинди. Бу йил ёз мавсуми давомида "Ёш тўқимачи"да тўқимачиларнинг 640 нафар фарзандлари дам олишади.

*Ўзбекистон чемпионати*

***Бу кўпми ёки кам? Ҳар сафар навбатдаги тур якунига етгач, беихтиёр дарвозаларга киритилган тўпларнинг ҳисобига етмоқ бўламиз. Гоҳ ҳужумчиларни алқасак, гоҳ ҳимоячиларни танқид остига оламиз. Бу — табиий. Чунки томчида қуёш акс этганидек икки жамоа ўртасида кечган ўйин ва унинг савияси охир-оқибат термамизнинг эртага халқаро майдонда кўрсатажак натижаларига бевосита таъсир ўтказади.***



# БИР ЙЎЛА 28 ТА ТЎП

Шундай қилиб, мамлакат чемпионатининг 12-турида ўртача ҳар ўйинда 3,5 тадан тўп киритилди. Бу мавжуд мезонлар билан баҳолаганда, кўп ҳам, оз ҳам эмас. Қолаверса, мухлислар шу кеча-кундузда Узоқ Шарқда давом этаётган жаҳон чемпионати билан қиёслаш ва ўзларича хулоса чиқариш имкониятига эгадирлар. Германия - Саудия Арабистони, Португалия - Польша ва Бразилия - Хитой термалари ўртасидаги учрашувни истисно қилганда, у қадар катта тафовут билан устун келиш кўп ҳам кузатилмаяпти.

Аммо ички чемпионатимиздаги ушбу тур анчагина кутилмаган натижалар қайд этилгани билан ёдда қоладиган бўлди. Хусусан, «Қўқон-1912» клубининг медалларга асосий даъвогар жамоа — «Насаф» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этишини, айтиш мумкинки, ҳеч ким башорат қилмаганди. «Қизилқум» ҳам Самарқандда ўзини яхши томондан намоён этди. Гарчанд учрашув тенг курашлар остида ўтгандек тасаввур қолдирган эсада, «Самарқанд-Д» командаси ўз мухлислари ҳузурида 0:2 ҳисобида ўйинни бой бериб, турнир жадвалидаги аҳволини ёмонлаштириб юборди. Шунингдек, Муборак ва Навоийда ҳам анчайин кутилмаган натижа қайд этилди. «Машъал» ўз майдонида «Андижон»ни қизғин баҳс сўнггида 3:2 ҳисобида енгиб, муҳим уч очко эгаси бўлган бўлса, «Зарафшон»га ўз майдони ҳам ёрдам қилолмади, «Дўстлик» меҳмонда ўйнаб, зафар қучди. Ҳисоб - 0:1.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» - «Металлург» - 3:2, «Бухоро» - «Нефтчи» - 2:3, «Сўғдиёна» - «Сурхон» - 1:0, «Пахтакор» - «Навбаҳор» - 5:1.

### 12-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **11** | **11** | **0** | **0** | **39-3** | **33** |
| **2.«Қизилқум»** | **12** | **8** | **1** | **3** | **27-13** | **25** |
| **3.«Нефтчи»** | **12** | **6** | **2** | **4** | **19-13** | **20** |
| 4.«Насаф» | 12 | 6 | 2 | 4 | 20-14 | 20 |
| 5.«Бухоро» | 12 | 6 | 2 | 4 | 18-22 | 20 |
| 6.«Самарқанд-Д» | 12 | 5 | 3 | 4 | 13-14 | 18 |
| 7.«Дўстлик» | 12 | 6 | 0 | 6 | 16-19 | 18 |
| 8.«Металлург» | 12 | 4 | 4 | 4 | 13-16 | 16 |
| 9.«Сўғдиёна» | 12 | 4 | 3 | 5 | 14-15 | 15 |
| 10.«Зарафшон» | 11 | 4 | 2 | 5 | 14-11 | 14 |
| 11.«Навбаҳор» | 12 | 4 | 2 | 6 | 18-22 | 14 |
| 12.«Қўқон-1912» | 12 | 4 | 2 | 6 | 12-18 | 14 |
| 13.«Трактор» | 12 | 3 | 3 | 6 | 13-19 | 12 |
| 14.«Андижон» | 12 | 3 | 2 | 7 | 13-23 | 11 |
| **15.«Машъал»** | **12** | **3** | **2** | **7** | **11-24** | **11** |
| **16.«Сурхон»** | **12** | **2** | **2** | **8** | **8-22** | **8** |

# "БЕДАНА" ҒОЛИБ

Қўрғонтепа тумани "Бедана" фольклор-этнографик дастаси фольклор ижодий жамоалари ўртасида ўтказиладиган республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мазкур даста туман маданият уйи қошида ташкил этилган. Унда турли касб ва ёшдаги етмишдан зиёд халқ истеъдодлари қатнашмоқда. Дастага истеъдодли санъаткор Мадаминжон Саматов раҳбарлик қилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, миллий урф-одатларимизнинг қўшиқ ва рақслардаги ўзига хос ифодаси "Бедана"нинг шуҳратига шуҳрат қўшаётир.

Вилоят фольклор жамоалари ўртасида ўтказилган беллашувда "Бедана" дастаси "Хатна тўйи" саҳна томошасини намойиш этди. Ҳайъат аъзолари ушбу чиқишга биринчи ўринни беришга қарор қилди.

# ТАНЛОВ АСОСИДА

Бухоро шаҳридаги болалар боғчаларида бу йил мактабга борадиган олти ёшлилар танлаб олинаётир.

Шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги ташхис маркази руҳшуноси Ш.Раҳматованинг айтишича, олти ёшлиларнинг ҳаммаси ҳам бу синовдан ўта олмайди. Чунки танлов шартлари анчагина жиддий. Аввало, бола соғлом бўлиши, барча саволларга жавоб бериши, суратларга қараб қисқа ҳикоя туза олиши керак. Бола 11дан 15 баллгача тўплай олсагина, биринчи синфга қабул қилинади.

*Теннис*

# КОРТДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

Тошкент теннис марказида Sanex WTA тур таснифидаги "Toshkent Open" халқаро аёллар турнири бошланди.

Тошкент шаҳар ҳокими турнир қатнашчилари ва ташкилотчиларини "Toshkent Open" халқаро теннис турнири билан табриклади.

- Ҳар йили мамлакатимизда теннис бўйича халқаро турнирларни ўтказиш анъанага айланиб бораётганлиги қувончли ҳолдир, - деди Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Эркаклар ўртасида ўтказиладиган "Президент кубоги" турнири ташкил топгандан сўнг икки йил ўтиб, аёллар челленжири ўтказилди. Шундан бери мамлакатимизда эркаклар ва аёллар тенниси баравар ривожланиб бораяпти. 2000 йилнинг июнида ўтказилган турнирда ўн саккиз ёшли тошкентлик Ирода Тўлаганова ғалаба қозонди. Ўзбек теннисининг вакили давлатимиз спорти ҳали билмаган ғалабага эришди. Ҳеч шубҳасиз, бу истеъдодли теннисчи қизнинг юқори поғонага бўлган биринчи қадами эди. Худди шу ғалаба ўзбек қизларини теннисга бўлган қизиқишини уйғотди. Эндиликда турнир доирасидаги мусобақалар нафақат Тошкентда, балки Самарқанд, Андижон, Наманган, Жиззах ва бошқа шаҳарларда ҳам ўтказилаётир.

Мукофот жамғармаси 140 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур турнирда АҚШ, Германия, Испания, Туркия, Россия, Украина каби мамлакатлардан ташриф буюрган ракетка усталари иштирок этишмоқда. Айни пайтда саралаш учрашувлари якунланиб, асосий тур беллашувлари бошланди. Ғолиб 16 июн куни аниқ бўлади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 519.

1 2 3 4 5 6